



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН • № 259 (17.839). • 11 ноябрь 1980 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Республикаси Президенти, Бош вазири ва ҳукуматининг тақдифига биноан 1980 йил декабрь ойининг биринчи ярмида расмий дўстлик визити билан Ҳиндистонга боради.

БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИНИ УТҚАЗИШДАН ТУШГАН МАБЛАҒЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

СССР Министрлар Совети 1980 йил 19 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги ўтказиши натижасида тушган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорга мувофиқ, мазкур маблағларнинг 50 миллион сўм миқдори ВЦСПСнинг оналар ва болалар учун 4 минг ўринли санаторийлари қурилишига, 85,1 миллион сўм миқдори 50680 ўринли маътабага болалар муассасалари қурилишига ҳамда 111,6 миллион сўм миқдори уруш ва меҳнат ветеранлари учун 4820 ўринли касалхоналар ва госпиталлар қурилишига, шунингдек амбулатория-поликлиника муассасалари, санаторийлар ва пансионатлар қурилишига сарфланади. (ТАСС).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи сессияси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1980 йил 10 ноябрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми бўлди. КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов «КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябр Пленумининг ахбороти ҳамда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида берган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг «Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани тўғрисида ва Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1980 йилги Давлат плани қандай бажарилаётганлиги ҳақида»ги докладыни, Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг «Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджет тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1979 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида»ги докладыни муҳокама қилди. Музокараларда Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, «Ўзбекшахтострой» трести гишт терувчиларининг брига-

дари Д. А. Зазули, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Х. Худойберганов, Баҳористон район партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Аметов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиков, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри М. Х. Қурбонов, Тўртқул район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Н. Нурумбетов, Жиззах область ижроия комитетининг раиси Э. Исломов, Самарқанд шаҳар пар-

тия комитетининг биринчи секретари Ш. Ф. Файзиев, Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. А. Омеров ўртоқлар сўзга чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. Пленум ўртоқ С. А. Асриянни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалик машинасозлиги бўлимининг мудири этиб тасдиқлади. Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1980 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯҚУНЛАРИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИДАН ВА КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ПЛЕНУМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА БЕРИЛГАН КЎРСАТМАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябр Пленумининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш 1981 йилги Давлат плани ҳамда СССРнинг Давлат бюджет дойирлари тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг программ нутқида баён этилган қарорлар ва ҳулосалар тўғрисида маъқулланган ҳамда амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилиниши, мазкур қарор, қонда ва ҳулосалар берча партия, совет ва хўжалик органлари, касабта союз ва комсомол ташкилотлари, ҳар бир меҳнат коллективи фаолиятига асос қилиб олиниши, республиканинг ҳар бир коммунистик давлат планини ўзининг шахсий программаси деб қабул қилиниши, унинг бажарилишига муносиб ҳисса қўлинишига эришилсин.

2. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми совет ишларининг фаровонлиги тўғрисида илҳам қилган таъминот қилдирилган ва илҳом қилган бўлиши ҳам талаб қилади. Партия, совет ва хўжалик органлари енгил ва озмиқ-овқат саноати тармоқларини, ишлабни ақволини катъиян яхшилашни, оғир саноат ва муҳофаа саноати тармоқларини маданий-маънавий моллар ишлаб чиқаришига кўпроқ аҳамият қилиш.



Суратда: аэродромда кузатми ваёти. В. Мастоков ва В. Чередицев телефотога (ТАСС—УзТАГ).

ВИЗИТ ТУГАДИ

Социалистик Эфиопия Муваффақият Ҳарбий-маъмурий кенгаши (МХМК) Раиси, Эфиопия Меҳнатқиллар партияси ташкилот комиссиясининг (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариама 10 ноябрь куни Москвадан жўнаб кет-

ди. Менгисту Хайле Мариама СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР таш-

СОВЕТ—ЭФИОПИЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ ИМЗОЛАНДИ

10 ноябрь куни Катта Кремль саройида Совет—Эфиопия қўшма баёноти имзоланди. Хужжатни КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Социалистик Эфиопия Муваффақият Ҳарбий-маъмурий кенгаши (МХМК) Раиси, Эфиопия Меҳнатқиллар партияси ташкилот комиссиясининг (ЭМПТК) Раиси Менгисту Хайле Мариама имзоладилар. Баёнотни имзолаш маросимида: Совет томонидан— Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кирьяленко, А. Я. Пельше, М. А. Суслон, Н. А. Тихонов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Канитонов, В. И. Долгих, М. В. Зияман, К. В.

Русаков ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар; Эфиопия томонидан— МХМК Домий Комитетининг ва ЭМПТК ижроия комитетининг аъзоси, миллий муҳофаа министри, бригада генерали Тесфайе Гебре Кидан, МХМК Домий Комитетининг ва ЭМПТК ижроия

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН ССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1981 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981 йилги Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджет дойирлари асосан маъқуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети аниқ шу лойиҳаларни Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессияси муҳокамасига тақдим этсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида РЕСПУБЛИКАДА КАРТОШКАЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикада картошкачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, ишлаб чиқаришни яхшироқлаштириш ва концентратлаш, картошкани еттиштиришдан колхоз ва совхозларнинг картошкани уруғчилигини яхшилаш ва уларнинг моддий-

техника базасини мустаҳкамлаш соҳасида республикада картошкачиликни ривожлантириш юзасидан йилчи беш йилликда муайян ишлар кўрилади. Колхозларда ва давлат хўжалиқларида шу давр ичида картошкани еттиштириш 102 минг тоннадан 138,1 минг тоннага етказилди ёки 35,4 процент кўпайди. Барча категориядаги хўжалиқларда давлат йўли билан картошкани харид қилиш 1971—1975 йилларда 82,5 минг тонна ўрнига 1976—1979 йилларда ўрта ҳисобда 118,5 минг тоннага етди ёки 43,5 процент кўпайди. Шу билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети уштириб ўтдики, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ 55 ТОМЛИК ТўЛА АСАРЛАР ТўПЛАМИНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ВА НАШР ЭТИШДА ҚАТНАШГАН ХОДИМЛАРГА

Азиз ўртоқлар! Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Владимир Ильич Лениннинг 55 томлик Тўла Асарлар Тўпламини ўзбек тилига таржима қилиш ва босмадан чиқариш ишининг муваффақиятли тугаланиши билан эндиликда ишлаб чиқариш объектларини барпо этишда ордага қолган 10 кўпай министрликлар ва идораларга алоҳида эътибор берчиз.

да, Кейинги 10 йил ичида К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг 70 дан кўпроқ асарлари қўриб олиш миллион нуска тиражада нашр этилди. Леонид Ильич Брежневнинг китоблари, КПСС ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг асарлари кенг оммалашди. Марксизм-ленинизм назариясини чуқур ўрганиш республиканинг кенг меҳнатқиллар оmmasини гоийий эътиқодлига, ҳаётида актив позицияда туриш, коммунистик қурилишда янгидан-янги галабаларга эришиш мудоасини таъминлайди. В. И. Ленин Тўла Асарлар Тўпламини нашр этишини Ленин юбилейи йилида, КПСС XXVI съезди арафасида тугаланиши республика меҳнатқилларининг Коммунистик партия ишига кекиз салонатигини янги бир ёрига кўриниши, партия ленинча миллий сийёсатининг таянаси-дир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети марксизм-ленинизм барҳайда гоиларини, илмий коммунистик дунёна-рарини пропаганда қилишда, республика меҳнатқилларининг маънавий маданиятини бойитишда олимларга, таржимонларга, нашрчиларнинг хотинларига, полиграфиларга янгидан-янги иқодий муваффақиятлар тилайди.

ҲОСИЛ БАЙРАМИ

8—9 ноябрь кунлари Ўзбекистон пойтахтида Катта ва кичик байрам — «Ҳосил байрами» бўлиб ўтди. Тошкент оточпария республика барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ меҳнатчиларининг вакиллари тўпланиди.

Ленин мукофотининг лауреати, Чиноз райондаги Киров номи колхоз бригадари Т. Охунова, Ўзбекистон ССР Физкультура ва спорт давлат комитети раиси М. Иброҳимов, «Ташсельмаш» заводининг пармаловчиси Э. П. Зотова халқ бахт-саолати тўғрисидаги барча иттифоқшўр республикаларнинг шу йулмадан Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳақидаги тинимсиз ғамхўрлик учун партия билан ҳукуматга, шахсан Леонид Ильич Брежневга чин кўнгалдан ташаккур айтиди. Нотиклар ишонч билан айтдики, республика меҳнатқиллари эришилган натижалар билан инфляцион кўмайдилар, КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездининг муносиб кутуб олдидлар. Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида янгидан-янгилар муваффақиятларга эришдилар.

Парад бошланади. Байрамона безатишган автомашиналар минбарлар олдида ўтди. Уларга сержент Ўзбекистон диверсинг аъзойи хил тўқалари: «ок олтин» тўқлари, бугўли бошоқлари, медаллар, сабабот, узум бошлари жойланган эди. Байрамнинг очилиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Мар-

казий Комитети бюросининг аъзоллари ва аъзоликка наъзалдари И. Г. Анисимкин, М. М. Мусақов, Т. Н. Осетров, О. У. Саломов, И. В. Усмонов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойберганов, Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, В. П. Есин, М. Т. Турсенов, А. Р. Хўжаев хозир бўлидилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНING ОЧИЛИШИ ТўҒРИСИДА

